Модданинг ми=дорини ани=лашда баъзан “*ыриндошлик методи*”. шам ишлатилади. Бунда ани=ланаётган ион махсус танланган реакция ёрдамида бош=а моддага айлантирилади ва охирги модда бирор стандарт эритма билан титрлаб топилади. Масалан, Cr^{2+} шавода тез оксидланиб кетади ва оксидловчи билан бевосита титрлаш =ийин. Шунинг учун унга орти=ча ми=дорда ани= ылчанган Fe^{2+} эритмаси =уйилади. Бу ва=гда Cr^{2+} га эквивалент равишда Fe^{2+} щосил былади ва уни титрлаб Cr^{2+} нинг ми=дорини топиш мумкин. Бу усул оксидловчи ёки =айтарувчи анионлар билан =ийин эрийдиган бирикмалар щосил =илувчи катионларнинг ми=дорини ани=лашда шам =ылланилади. Масалан, Ca^{2+} ионини ани=лаш учун аммоний оксалат таъсир эттирилса, CaC_2O_4 щосил былади ва чыкмани фильтрлаб, ювиб, HCl да эритилса, у щолда Ca^{2+} га эквивалент ми=дорда $H_2C_2O_4$ кислотаси щосил былади ва уни $KMnO_4$ билан титрлаб, Ca^{2+} нинг ми=дорини ани= топиш мумкин.

39

Таянч тушунчалар

Фиксанал. Стандарт эритма Аликвот =исм Титрлаш

Саволлар

1. Титриметрик анализнинг мощияти нимада?
2. Титриметрик анализда =ылланиладиган реакцияларга =андай талаблар =ыйилади?
3. Титриметрик метод билан =андай реакцияларнинг турлари ырганилади?
4. +андай эритмаларга стандарт эритмалар дейилади ва улар =андай тайёрланади?
5. Аликвот =исм деб нимага айтилади?
6. Титрлашнинг бевосита ва билвосита усулларини тушунтиринг.
7. Бирламчи стандарт эритмалар =андай тайёрланади?
8. Иккиламчи стандарт эритмаларни тайёрлаш йылини гапириб беринг.
9. Титрлаш деб нимага айтилади? Мисол билан тушунтиринг.
10. Фиксанал нима? Нима учун ишлатилади?

Асосий адабиётлар

1. Золотов Ю. А., Дорохова Е. Н., Фадеева В. И. и др. В 2 кн. Кн 2. Основы аналитической химии. М.: “Высшая школа” 1999, С.29-34.
2. Васильев В. П. Аналитик кимё I=исм. Тошкент “Ўзбекистон” 1999, С 215-218.
3. Пилипенко А. Т., Пятницкий И. В. Аналитическая химия. В 2-х томах. Кн1. М.: “Химия” 1990, С.113-119.
4. Бончев П. Р. Введение в аналитическую химию. Пер. с болг. под ред. Б. И. Лобова. Л.: “Химия” 1978, С.229-242.

40

5. Скуг Д. Уэст Д. Основы аналитической химии. В 2-х томах.
Кн 1. Пер. с англ. под ред.

Ю. А. Золотова. М.: "Мир". 1978, С.210-224.

6. Фритц Дж. Шенк Г. Количественный анализ. Пер. с англ.
род ред. Ю. А. Золотова.
М.: "Мир". 1978, С.92-96.

7. Ушакова Н. Н. Курс аналитической химии.
М.: Издательство МГУ 1978, С. 235-237.

8. Дорохова Е. Н., Прохорова Г. В. Задачи и вопросы по
аналитической химии.
М.: Издательство МГУ 1984, С. 108-123.

9. Алексеев В. Н. Ми=дорий анализ. Тошкент "Ўрта ва олий
мактаб". 1963, 216-222, 233-243.

Ҳаётий адабиётлар

1. Хусаинов Х. Толипов Ш. Т. Аналитик кимёдан масалалар
типи

Тошкент "ЎИ=итувчи" 1983, С.113-119.

2. Бобоев. Н. Б.. Туробов Н. Т., Ибраимов Ч. И. Титриметрик
анализ

методлари (методик =ылланма) Тошкент "Университет" 1994,
С.5-6.

3. Крешков А. П. Основы аналитической химии. В 3-х томах. Т
2. М. "Химия". 1977, С. 38-48.

Маъруза №6

4.2.Титриметрик анализда натижаларни тишиблаш

Режа

1.Титриметрик анализда натижаларни тишиблаш.


2.Эритмаларнинг коцентрацияларини ани=лаш
методлари.

41


Титриметрик анализ методларида натижаларни
тишиблашлар эквивалентлар =онунига асосланган. Берилган
реакцияда модданинг 1 грамм-атом водород ёки истаган бир
валентли элементнинг 1 грамм атомига тири келадиган
=исмига модданинг эквиваленти деб аталади. Эквивалент
ми=дорга тири келадиган граммлар сонига модданинг грамм
эквиваленти деб аталади.1л эритмада эриган модданинг
эквивалентлар сонига эритманинг нормаллиги деб аталади.
Масалан, 1л эритмада 1г-экв модда эриган бўлса 1н эритма, 2г-
экв модда эриган бўлса 2н ва ш.к.

Бир модданинг грамм - эквиваленти иккинчи модданинг
грамм эквиваленти билан тила реакцияга киришади.


Модданинг грамм -эквиваленти, унинг молекуляр
массасидан фар=ли ыларо=, тур\ун сон былмасдан,
реакциянинг боришига =араб ызгариб туради. Уни топиш учун,
реакция тенгламасини ёзиб, модданинг =анча ми=дори 1г - ион
водородга тири келишини топиб олиш керак. Масалан:




$$\text{Э}_{\text{H}_2\text{SO}_4} = \text{M}_{\text{H}_2\text{SO}_4}$$



$$\text{Э}_{\text{H}_2\text{SO}_4} = \text{M}_{\text{H}_2\text{SO}_4} / 2$$



$$\text{Э}_{\text{H}_3\text{PO}_4} = \text{M}_{\text{H}_3\text{PO}_4}$$







$$\text{Э}_{\text{H}_3\text{PO}_4} = \text{M}_{\text{H}_3\text{PO}_4} / 2$$




42

Бир грамм-ион OH^- бир грамм-ион H^+ билан реакцияга
киришгани учун, иш=орларда грамм-эквивалентни топиш учун,

модданинг молекуляр массасини реакцияда иштирок этаётган OH^- ионлари сонига билиш керак:




Оксидланиш-айтарилиш реакцияларида эса, модданинг эквиваленти унинг шу реакцияда бириктириб олган ёки берган электронлари сони билан ани=ланади. Масалан:





Билвосита титрлашларда эса модданинг эквиваленти бош=ачаро= ани=ланади.

асалан,



реакциясида HCl бййича $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ нинг эквиваленти $\text{Э} = \text{M}/14$ билиши керак эди. Лекин реакцияда ажралиб чи==ан I_2 титрланади. Шунинг учун



да $\text{Э}(\text{KIO}_3) = \text{M}/5$ билиши керак эди. Лекин ажралиб чи==ан йод $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$ билан титрлангани учун $\text{Э}(\text{KIO}_3) = \text{M}/6$ га тенг.

43

Агар эритманинг щажми (V) унинг нормаллиги (N) га кыпайтирилса, 1н ли эритманинг эквивалент щажми топилади.

Масалан, 20 мл 0,1н $20 \cdot 0,1 = 2$ мл 1 н эритма ($2 \cdot 1 = 2$ га ты\ри келади.

Бир хил нормалли эритмалар тенг микдорда реакцияга киришади. Эквивалентлар =оидасига асосан, бир модданинг щажмини унинг концентрациясига былган кыпайтмаси (N_1V_1)

иккинчи модданинг щажмини концентрациясига кыпайтмаси (N_2V_2) га тенг былади, яъни:

$$N_1V_2 = N_2V_2 \quad (1)$$

Шу =оидага асосан, ($N \cdot V$), эритмадаги модданинг ми=дорини топиш мумкин.

Концентрацияси ани= 1 н былган эритманинг 1 мл щажмида 0,001 гэкв ($\text{Э}/1000$) модда былади ёки $N \cdot V$ мл да $N \cdot V - 0,001\text{Э}$ модда былади. Демак, модда массаси (Q), унинг щажми (V) ва эритманинг нормаллиги ыртасидаги бо\ли=лик =уйидагича былади:

$$Q = \frac{N \cdot V \cdot \text{Э}}{1000} \quad (2)$$

Бу тенгламадан фойдаланиб, маълум щажм (V) ва берилган нормаллик (N) да эритма тайёрлаш учун моддадан =анча тортиб олиш кераклигини щисоблаш мумкин. Худди шу тарзда ани= концентрацияли (N), маълум щажмда (V) эритма тайёрлаш учун =анча ми=дорда (Q) модда тортиб олиш кераклигини щисоблаш мумкин.

Одатда анализ =илинаётган модда ми=дорини топиш учун унинг грамм-эквивалентини билиш керак:

44

$$Q = \frac{N_1 \cdot V_1 \cdot \text{Э}_1}{1000} \quad (3)$$

Лекин N_1 ва V_1 ларни билиш шарт эмас. Уларнинг ырнига ишчи эритманинг нормаллиги N_2 ни ва щажми V_2 ни билиш кифоя.

Ща=и=атдан, (1) ва (2) тенгламаларга асосан ощирги тенглама (3) ырнига

$$Q = \frac{N_2 \cdot V_2 \cdot \text{Э}_2}{1000}$$

деб олиш мумкин.

Агар ани=ланаётган модданинг % ми=дорини билиш керак былса, анализга олинган тортим (а) ни щисобга олиш керак былади, яъни

$$\% = \frac{Q - 100}{a} \quad \text{ёки} \quad \% = \frac{N_2 \cdot V_2 \cdot \mathcal{E}_1 \cdot 100}{1000a} \quad \text{ёки} \% = \frac{N_2 \cdot V_2 \cdot \mathcal{E}_1}{10a}$$

Бир марта =илинган ишдан ты\ри натижа олиб былмайди. Анализ камида уч марта бажарилиб, улар я=ин натижа берганда (щажмлар фар=и 0,1 мл дан ошмаслиги керак) ыртачаси олиб щисобланади. Бунинг учун анализга олинган модда эритмасини муайян бир щажмга келтирилиб, унинг бирор улушини ани= ылчаб олиниб, анализ =илинади. Масалан, анализ =илинаётган эритма 250 мл ылчов колбасида суюлтирилиб, анализ учун пипетка билан 20,0 мл ылчаб олинади ва анализ 3-4 марта кайтарилиб, сарф былаётган стандарт эритманинг ыртача щажми топилади ва формула (4) га =ыйиб щисобланса 20 мл даги модданинг ми=дори топилади. Анализ =илинаётган модданинг умумий ми=дорини топиш учун олинган

45

натижа 250 мл колбадагига мос келтирилиши керак, яъни:

$$Q = \frac{N \cdot V \cdot \mathcal{E} \cdot V_k}{1000 \cdot V_n}$$

V_k - колбанинг щажми

V_n - пипетканинг хажми ёки

$$\frac{V_k}{V_n} = f$$

f-кыпайтириш фактори

Баъзан натижани щисоблашда ишчи эритманинг титри деган тушунчадан фойдаланилади.

1 мл эритмада эриган модданинг ми=дорида эритманинг ишчи эритма быйича титри дейилади ва уни T щарфи билан белгиланади. Масалан, $T_{HCl} = 0,00037$ былса, шу эритманинг 1 мл да 0,00037 гр HCl эриганлигини билдиради. Эритманинг титрини титрлашга кетган щажмга кыпайтирсак, сарф =илинган реактивнинг ми=дори топилади. Эритманинг нормаллиги маълум былса, унинг титрини щисоблаш мумкин. Масалан, 0,1н KOH эритмаси. Унинг грамм-эквивалентини 1/10 =исмини, яъни $56,1 \cdot 0,1 = 5,61$ г ни ташкил этади ва 1 мл эритмада $5,61:1000 = 0,00561$ г ни ташкил =илади. Умумий холда $T = N \cdot \mathcal{E} / 1000$

Оммавий анализларни бажаришда ишчи эритманинг титри эмас, ани=ланаётган модда быйича титрини =ыллаш жуда =улайдир ва натижани щисоблаш анча соддалашади. Эритманинг нормаллиги маълум былса, унинг ани=ланаётган модда быйича титрини осонлик билан щисоблаш мумкин. Мисол учун Cl^- ионини ани=лаш учун $AgNO_3$ нинг 0,1042н эритмаси

46

олинган бысин. Бу эритманинг 1 мл даги ми=дори 0,1042:1000 г-экв $AgNO_3$ га тенг ва шунга эквивалент ми=дорда Cl^- билан реакцияга киради. Cl^- нинг грамм-эквиваленти 35,45 г былгани учун $AgNO_3$ нинг Cl^- быйича титри:

$$T(AgNO_3/Cl^-) = \frac{0,1042 \cdot 35,45}{1000} = 0,003694 \text{ г/мл}$$

Агар контрол эритмадаги Cl^- ни ани=лаш учун 22,50 мл $AgNO_3$ сарф былган былса, титрланаётган эритмадаги Cl^- нинг ми=дори:

$$Q = T_{AgNO_3/Cl^-} \cdot V_{AgNO_3} = 0,003694 \cdot 22,5 = 0,08311$$

T га тенг былади.

Энди билвосита метод билан титрлашдаги натижани щисоблашни кыриб ч=камиз. Бу метод, одатда, реакция тезлиги кичик былганда, реакция стехиометрик равишда кетмаган шолларда ёки эквивалент ну=тани ани=лашда индикатор былмасагина кылланилади. Бу методда 2 стандарт эритма керак булади. Ани=ланаётган модда эритмасига мыл ми=дорда биринчи стандарт эритма солинади. Унинг реакцияга кирмай =олган =исмини эса иккинчи стандарт эритма билан титрлаб, ани=ланаётган модда учун сарф былган реагент ми=дорини щисоблаб топилади.

Фараз =илайлик, концентрацияси N_1 былган биринчи стандарт эритмадан V_1 мл =ышилди, сынгра реакцияга кирмай =олган =исмини титрлаш учун концентрацияси N_2 былган иккинчи стандарт эритмадан V_2 мл сарф былди. У шолда:

$$I \text{ стандарт эритмадан } n_1 = \frac{N_1 \cdot V_1}{1000}$$

$$II \text{ стандарт эритмадан } n_2 = \frac{N_2 \cdot V_2}{1000} \text{ ми=дорда солинган булади.}$$

$$n_1 - n_2 = \frac{(N_1 V_1 - N_2 V_2)}{1000}$$

4.3.Эритмаларнинг концентрациясини ани=лаш методлари

Титриметрик анализда эритмаларнинг концентрациясини ани=лашда 2 метод =ылланилади.

1. Пипеткалаш методи. Бунда концентрацияси ани=ланиши керак былган эритма маълум щажмгача суюлтирилиб, ундан аликвот =исм олиб стандарт эритма билан титрланади. Масалан, 0,1N NaOH эритмасининг ани= нормаллигини ани=лаш учун, ундан аликвот =исм олиб,

оксалат кислотанинг стандарт эритмаси билан титрланади ва $N_{\text{NaOH}} \cdot v_{\text{NaOH}} = N_{\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4} \cdot V_{\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4}$ формула быйича N_{NaOH} ани= топилади, 3-4 марта титрлаб, ыртача натижа олинади.

2. Алошида тортимлар методи. Массаси бир-бирига я=ин былган 3-4 тортимни олиб, ихтиёрий хажмда эритилади ва щосил былган эритма титрланади. Бунда тортим шар хил былгани учун уни титрлашга сарф былган реагент щажми щам шар хил булади. Шар бир тортимга асосан унинг нормаллиги топилиб, ыртачаси олинади. Бу метод пипеткалаш методига =араганда ани=ро= натижа беради.

Таянч тушунчалар

Эквивалент. Грамм-эквивалент. Титр.

Саволлар

1. Модданинг эквиваленти деб нимага айтилади?
 2. Кислота, асос, тузларда эквивалент =андай ани=ланади?
- 48
3. Эритмаларнинг концентрациялари =андай ифодаланади?
Моляр концентрация, нормал концентрация, % концентрация.
 4. Натрий карбонатнинг тирланган эритмасини тайёрлаш учун кимёвий тоза Na_2CO_3 дан 1,3250 г тортиб, сувда эритиб 250,00 мл ылчов колбасига солиб =ыйилди. Щосил былган эритманинг титрини ани=ланг. жавоб: 0,005300 г/мл
 5. Бевосита ва билвосита титрлаш методини тушунтиринг.
 6. Эритманинг титри деб нимага айтилади?
 7. Ани=ланаётган модда быйича титри деганда нимани тушуниш керак? Бу ифода =айси ва=тларда =ыл келади?
 8. Модда концентрациясини ани=лашда пипеткалаш методининг мошьяти нимада?
 9. Алошида тортимлар методининг мошьяти нимада?
Охирги икки методнинг =айси бири ани= натижа беради? Бир-биридан афзаллиги борми?

Асосий адабиётлар

1. Золотов Ю. А., Дорохова Е. Н., Фадеева В. И. и др. В 2 кн. Кн 1. Основы аналитической химии. М.: “Высшая школа” 1999, С.21-24.
2. Васильев В. П. Аналитик кимё I=исм. Тошкент “Ўзбекистон” 1999, С.219-227.
3. Пилипенко А. Т., Пятницкий И. В. Аналитическая химия. В 2-х томах. Кн1. М.: “Химия” 1990, С.76-84.
4. Бончев П. Р. Введение в аналитическую химию. Пер. с болг. под ред. Б. И. Лобова. Л.: “Химия” 1978, С.234-237.
5. Скуг Д. Уэст Д. Основы аналитической химии. В 2-х томах. Кн 1. Пер. с англ. под ред.

49

- Ю. А. Золотова. М.: “Мир”. 1978, С.176-184.
6. Фритц Дж. Шенк Г. Количественный анализ. Пер. с англ. под ред. Ю. А. Золотова. М.: “Мир”. 1978, С.96-103.
 7. Ушакова Н. Н. Курс аналитической химии. М.: Издательство МГУ 1978, С.238-241.
 8. Дорохова Е. Н., Прохорова Г. В. Задачи и вопросы по аналитической химии. М.: Издательство МГУ 1984, С.106-108.
 9. Алексеев В. Н. Ми=дорий анализ. Тошкент “Ўрта ва олий мактаб”. 1963, 243-249.

+ышимча адабиётлар

1. Хусаинов Х. Толипов Ш. Т. Аналитик кимёдан масалалар тыплами Тошкент “Ў=итувчи” 1983, С.119-126.
2. Бобоев. Н. Б.. Туробов Н. Т., Ибраимов Ч. И. Титриметрик анализ методлари (методик =ылланма) Тошкент “Университет” 1994, С.6-9.

3. Крешков А. П. Основы аналитической химии. В 3-х томах. Т 2. М. “Химия”. 1977, 65-79.

50

Маъруза №7

V. КИСЛОТА-АСОСЛИ ТИТРЛАШ МЕТОДИ

Режа

1. Кислота асосли титрлаш методи мощияти.
2. Кислота ва асосларни ани=лашда ишлатилувчи индикаторлар ва уларнинг хоссалари.
3. Ацидиметрия.
4. Алкалиметрик титрлаш..

5.1. Методнинг мощияти. Кислота ва асосларни ани=лаш

Нейтраллаш реакцияси $H^+ + OH^- \rightarrow H_2O$
асосида бажариладиган ани=лашларнинг шаммаси кислота-асосли титрлаш (нейтраллаш) методларига киради.
Бу метод билан барча кислоталар (органик ва аноганик), асослар ва улар билан реакцияга кирувчи моддалар

(HCl, NaOH, NaCO₃, Na₂B₄O₇) нинг ми=дорини шамда кучсиз кислота аниони билан ёмон эрийдиган бирикмалар щосил =илувчи катионлар (PbCrO₄, CaC₂O₄, Ag₂CrO₄)ни ани=лаш мумкин.

Кислоталарни ани=лаш. Яхши эрийдиган кучли ва ырта кучли кислоталарнинг шаммаси иш=ор билан титрлаб бевосита метод билан, кучсиз кислоталарни эса $K > 10^{-12}$ (10^{-10} , 10^{-11}) билвосита метод билан ани=ланади. Масалан, HAc ни билвосита, KCN ни бевосита титрлаб ани=ланади.

Асосларни ани=лаш. Кучли асос (NaOH) кучли кислоталар (HCl) билан титрланади. Масалан, HCN ($K = 10^{-10}$) ни бевосита титрлаш мумкин эмас. Унга мыл ми=дорда иш=ор кышиб, орти=ча иш=ор

51



титрланади. Ёмон эрийдиган кучсиз кислоталарни органик моддаларда (диоксан, спирт, ДМСО) эритиб ани=лаш мумкин. Барча ани=лашларда реакциянинг эквивалент ну=таси индикаторлар ёрдамида ани=ланади.

5.2.Индикаторлар назарияси

Индикаторлар кучсиз органик кислота ёки кучсиз органик асослардан иборат. Улар эритмада рН нинг ызгариши натижасида ыз рангини ызгартиради. Эквивалент ну=тада индикаторлар рангининг ызгариши икки назария билан тушунтирилади.

а) индикаторларнинг ион назарияси. 1894 йилда Оствальд кыпгина органик моддаларни текшириб, ыз назариясини яратди. Унинг фикрича, индикаторлар кучсиз органик кислота ёки кучсиз органик асос былиб, улар молекуляр шолда бир рангга, ион шолда эса иккинчи рангга эга былади.

Агар органик кислоталарни HInd ва органик асосни IndOH деб олсак, уларнинг диссоциланишини =уйидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:



Эритмада водород ионлари кыпайса тенглама (1) да реакция чап томонга сурилиб, индикаторнинг молекуляр шолатдаги ранги [HInd] кыринади, тенглама (2) да эса ынг томонга сурилиб, ион шолатдаги ранги [Ind⁺] кыринади. Оствальд рН-индикаторларнинг эритмадаги шолатини ырганиш учун 300 га я=ин органик моддаларни текширган.

Индикаторлар бир рангли ва икки рангли былиши мумкин. Фенолфталеин кислотали мушитда

52

рангсиз, иш=орий мушитда =изил, метилоранж кислотали шароитда =изил, иш=орий шароитда сари= рангга эга.

б) индикаторларнинг хромофор назарияси. Хромофор назариясининг тушунтириши буйича органик бирикмаларда таркибида =ышбо\ тутган группалар-хромофор группалари былиб, реакция мушити ызгарганда уларнинг молекулаларида ички ызгаришлар руй бериб, таутомер шолатларнинг бирдан иккинчисига ытиши рангнинг ызгаришига сабаб былади. Хромофорларга

=NO, -N=N-, =C=C=, =C=S группалар киради

Масалан O=N→ группа HO-N→ га

-N=N- группа =N-NH- га ытади.

Органик бирикмаларнинг рангига уларнинг молекулаларида яна бир - ауксохром деб номланган группаларнинг былиши таъсир =илади.


Ауксохром группалар (-NH₂, -NH-, -OH, -OCH₃, -N(CH₃)₂, -N(C₂H₅)₂) нинг ызи ранг щосил =илмайди, хромофорлар билан биргаликда рангни чу=урлаштиради.

Индикатор рангининг ызгариши уларнинг таутомер шолатларига бо\ли=лигини узо= ва=т ырганилиб, шар икки

назария бирлаштирилиб, бу назария ион хромофор назарияси деб ном олди.

5.2.1.Индикаторларнинг ранг ызгартириш соъсаси.

Индикаторлар кучсиз кислота органик былганлиги учун массалар таъсири =онунига буйсунади:



53

$$K_{HInd} = \frac{[H^+] \cdot [Ind^-]}{[HInd]}$$

$$[H^+] = K_{HInd} \cdot \frac{[HInd]}{[Ind^-]} \quad pH = pK - \lg \frac{[HInd]}{[Ind^-]}$$

бунда $pK = -\lg K$ былиб, индикатор кырсагич дейилади. Текширишлар шуни кырсагидики, инсон кызининг рангларни ажратиш =обилияти чегараланган

былиб, бир ранг иккинчисидан $\frac{[HInd]}{[Ind^-]} \geq 10$ былгандагина

индикаторнинг молекуляр шолатдаги рангини $\frac{[HInd]}{[Ind^-]} = 0,1$

былганда эса ион шолдаги рангини сезиши мумкин:

$$\frac{[HInd][H^+]}{[Ind^-][K_{HInd}]} = 10 \text{ былса}$$

$$-\lg[H^+] = -\lg K - 1 \quad pH_{\text{уйи чегара}} = pK_{HInd} - 1$$

$$\frac{[H^+]}{[K_{HInd}]} = 0,1 \quad -\lg[H^+] = -\lg K + 1 \quad pH_{\text{ю=ори чегара}} = pK_{HInd} + 1$$

Титрлаш ва=тида индикатор рангининг кескин ызгарган ну=гаси, яъни титрлашнинг оцирги ну=гасидаги pH нинг

=иймати титрлаш кырсагичи дейилади ва pH билан белгиланади. кыпчилик индикаторлар учун $pT = pK_{HInd} \pm 0,3$ га ты\ри келади.

Титрлашда индикаторни ты\ри танлаш керак. Мисол учун 0,1н CH_3COOH ни 0,1 н $NaOH$ билан

54

титрланса, реакция охирида эритмаларнинг концентрацияси 2 барабар камаяди ($C = 0,05$ моль/л).

$CH_3COOH + NaOH \leftrightarrow CH_3COONa + H_2O$ гидролиз тенгламасидан

$$[H^+] = \frac{\sqrt{K_{H_2O} \cdot K_{\kappa-ma}}}{\sqrt{C_{\text{муз}}}} = \frac{\sqrt{10^{-14} \cdot 1,8 \cdot 10^{-5}}}{\sqrt{0,05}} = 1,9 \cdot 10^{-9}$$

$$\lg[H^+] = 9,30 = -8,7 \quad pH = 8,7$$

демак, мос индикатор фенолфталеин.

0,1н Na_2CO_3 ни 0,1 н HCl билан титрласак, эритмада pH H_2CO_3 нинг концентрацияси билан ани=ланади. Реакция оцирида

$$[H_2CO_3] = 0,05 \text{ ёки } 0,025 \text{ м/л. } K = 4 \cdot 10^{-7}$$

$$[H^+] = \frac{\sqrt{10^{-14} \cdot 4 \cdot 10^{-7}}}{\sqrt{2,5 \cdot 10^{-2}}} = 10^{-4} \quad pH = 4 \quad \text{мос индикатор}$$

метилоранж.

+уйида кып ишлатиладиган индикаторларнинг pH =ийматлари келтирилган:

метилоранж 4,0

метил =изили 5,5

лакмус 7,0

фенолфталеин 9,0

Индикаторларнинг ранг ызгартириш соъсаси шароратга шам бо\ли=.

18°C	100°C
------	-------

метилоранж	3,1-4,4	2,5-3,7
метил =изили	4,2-6,3	4,0-6,0
фенолфталеин	8,0-10,0	8,1-9,0
тимолфталеин	9,3-10,5	8,7-9,5

Таянч тушунчалар

Индикатор. Титрлаш кырсаткичи(pT). Хромофор.

Ауксохром.

55

Саволлар

1. Методнинг мощияти нимадан иборат?
2. Бу метод билан =андай моддаларнинг ми=дорини ани=лаш мумкин?
3. +андай моддалрга индикаторлар дейилади? Улар нима учун ишлатилади?
4. Индикаторларнинг ион назарияси рангнинг ызгаришини =андай тушунтиради?
5. Хромофор назариянинг мощияти нимада? Ауксохромлар нима? +андай ауксохром гуруцларни биласиз?
6. Нейтрал ва эквивалент ну=танинг фар=и борми?
7. Нима учун титрлаш ва=тида индикаторни кып олиб былмайди?
8. 0,01 н HCl билан 0,01 н NaOH ни титрлаш эгрисини щисобланг.
9. Титрлаш кырсаткичи pT нима? Индикаторларда титрлаш кырсаткичи =андай ани=ланади?
10. +айси щолларда эквивалент ну=та pH=7 да былади? Ва =айси щолларда эквивалент ну=та pH>7 ва pH<7 да былади?

Асосий адабиётлар

1. Золотов Ю. А., Дорохова Е. Н., Фадеева В. И. и др. В 2 кн. Кн 2. Основы аналитической химии. М.: “Высшая школа” 1999, С.40-53.
2. Васильев В. П. Аналитик кимё I=исм. Тошкент “Ўзбекистон” 1999, С227-230

3. Пилипенко А. Т., Пятницкий И. В. Аналитическая химия. В 2-х томах. Кн1.

М.: “Химия” 1990, С.138-154.

4. Бончев П. Р. Введение в аналитическую химию. Пер. с болг. под ред. Б. И. Лобова.

Л.: “Химия” 1978, С.233-242.

56

5. Скуг Д. Уэст Д. Основы аналитической химии. В 2-х томах. Кн 1. Пер. с англ. под ред.

Ю. А. Золотова. М.: “Мир”. 1978, С.211-224.

6. Фритц Дж. Шенк Г. Количественный анализ. Пер. с англ. под ред. Ю. А. Золотова.

М.: “Мир”. 1978, С.142-152

7. Ушакова Н. Н. Курс аналитической химии.

М.: Издательство МГУ 1978, 261-267.

8. Дорохова Е. Н., Прохорова Г. В. Задачи и вопросы по аналитической химии.

М.: Издательство МГУ 1978, С.108-114

9. Алексеев В. Н. Ми=дорий анализ. Тошкент “Ўрта ва олий мактаб”. 1963, 259-280.

+ышимча адабиётлар

1. Хусаинов Х. Толипов Ш. Т. Аналитик кимёдан масалалар тыплами

Тошкент “ЎИ=итувчи” 1983, С.173-176.

2. Бобоев. Н. Б.. Туробов Н. Т., Ибраимов Ч. И. Титриметрик анализ

методлари (методик =ылланма) Тошкент “Университет” 1994, С.12-15.


3. Крешков А. П. Основы аналитической химии. В 3-х томах. Т 2. М. “Химия”. 1977, 138-153.

Маъруза №8

5.3. Кислота асосли титрлаш методларида титрлаш эгрилари.

Режа

1. Кислота иш=орларни ани=лашда титрлаш эгрисини щисобланиши.
2. Титрлаш эгри чизи=ларини тузиши.



+уйилга н 0,1 н NaOH	рН ни ани=ловчи электролит	рК ни щисоблаш формуласи	рН
0	0,1 н HCl	$\text{pH} = -\lg C_{\text{HCl}}$	1
90	0.01 н HCl	$\text{pH} = -\lg C_{\text{HCl}}$	2
99,0	0,001 н HCl	$\text{pH} = -\lg C_{\text{HCl}}$	3
99,9	0,0001 н HCl	$\text{pH} = -\lg C_{\text{HCl}}$	4
100,0		$\text{pH} = \text{pOH}$	7
100,1	0,0001 н NaOH	$\text{pH} = -\lg C_{\text{NaOH}}$	10

101	0,001 н NaOH	$\text{pH} = -\lg C_{\text{NaOH}}$	11
110	0,01 н NaOH	$\text{pH} = -\lg C_{\text{NaOH}}$	12

58

1-расм: Кучли
кислотани
кучли асос
билан титрлаш

Жадвалдан кыриниб турибдики, титрлаш бошланишида эритмада рН секинлик билан, эквивалент ну=тага я=инлашган сари тезро= ызгариб боради ва нихоят эквивалент ну=тада кескин ызгариб кетади.

Эритманинг концентрациясига (яъни рН ига) =араб эгри чизи=нинг кескин ызгарган чегараси титрлаш сакрамаси дейилади. Эритмаларнинг концентрациялари катта былса, титрлаш сакрамаси щам катта былади. Танланган индикаторнинг ранг ызгартириш сощаси шу сакрама орали\ида былиши керак. Сакрама катта былса, индикатор танлаш осонлашади. Эритма концентрациялари кичик былса, титрлаш сакрамаси щам кичиклашади, бинобарин индикатор танлаш щам =ийинлашади.

Кислотанинг концентрацияси $C > 2 \cdot 10^{-4}$ моль/л былса, индикатор билан титрлаш мумкин. Акс

59

шолда эквивалент ну=та индикатор ёрдамида эмас, фа=ат физик-кимёвий методлар билан ани=ланади.

5.3.2. Кучсиз кислотани кучли асос билан титрлаш

CH_3COOH ни NaOH билан титрлайлик. Эритмаларнинг концентрациялари 0,1н ва шажми 100 мл деб ва диоблашни осонлаштириш учун эритманинг шажми ызгармай деб оламиз $\text{CH}_3\text{COOH} + \text{NaOH} \leftrightarrow \text{CH}_3\text{COONa} + \text{H}_2\text{O}$

Титрлаш бошланмасдан олдин $[\text{H}^+] = \sqrt{K_{\text{к-та}} \cdot C_{\text{к-та}}}$ формуласи билан щисобланади. Титрлаш бошлангач, эритмада буфер система щосил былади ва эквивалент ну=тагача буфер системаларда $[\text{H}^+]$ ни ни щисоблаш формуласи ва эквивалент ну=тада гидролизни щисобга олиб $[\text{H}^+] = \sqrt{K_{\text{H}_2\text{O}} \cdot K_{\text{к-та}}}$ формуласи билан ва нищоят ундан сынг орти=ча =ышилган иш=орнинг концентрацияси билан щисобланади.

туйилган 0,1н NaOH ёки титрланган HAc	рНни ани=ловчи электролит	рК ни щисоблаш формуласи	рН
0	0,1н CH_3COOH	$\text{pH} = 1/2\text{pK}_{\text{к-та}} - 1/2\lg C_{\text{к-та}}$	2.9
9	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COONa}$	$\text{pH} = 1/2\text{pK}_{\text{к-та}} - 1/2\lg C_{\text{к-та}}$	3.75
90	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COONa}$	$\text{pH} = 1/2\text{pK}_{\text{к-та}} - 1/2\lg C_{\text{к-та}}$	3.8

99	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COONa}$	$\text{pH} = 1/2\text{pK}_{\text{к-та}} - 1/2\lg C_{\text{к-та}}$	5.72
99,9	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COONa}$	$\text{pH} = 1/2\text{pK}_{\text{к-та}} - 1/2\lg C_{\text{к-та}}$	7.76
100	CH_3COONa	$\text{pH} = 7 + 1/2\text{pK} + 1/2\lg 0.1$	8.86
100,1	NaOH	$[\text{OH}] = 10^{-4}$	10.0

Бу титрлаш эгрисини HCl ни титрлаш эгриси билан солиштирсак эквивалент ну=та нейтрал муштитда эмас, иш=орий шароитда былади. Титрлаш сакрамаси HCl ни титрлашга =араганда анча кичик ва нищоят эквивалент ну=тани ани=лаш учун кып ишлатиладиган индикаторлардан фа=ат фенолфталеингина ты=ри келади. Кучсиз кислотани титрлашда $C_{\text{к-та}} \cdot K_{\text{к-та}} \geq 10^{-9}$ дан кам былса индикатор билан титрлаб былмайди.

5.3.3. Икки асосли кислоталарни кучли иш=ор билан титрлаш.

Икки асосли кислоталарни титрласак титрлаш сакрамаси 50% титрланганда биринчи ва 100% титрланганда иккинчи сакрама щосил былиши керак.

50% кислота титрланганда титрлаш сакрамасининг щосил былиши учун 2 шарт бажарилиши керак:

$$1) C_{\text{к-та}} K_1 > 10^{-9}$$

$$2) K_1 : K_2 \geq 10^4.$$

100% титрлаганда сакраманинг щосил былиши учун $C_{\text{к-та}} C_{\text{к}_2} \geq 10^{-9}$ былиши керак.

Агар эритмада икки кучсиз кислота аралашмасы былса, уларнинг диссоциланиш

61

константалари кескин фар= илса, яъни $C_1 K_1 : C_2 K_2 \geq 10^4$ былса, уларни кетма-кет алошида титрлаш мумкин. Бу шарт бажарилмаса, иккаласи баравар титрланаверади.

Кып асосли кислоталарда $[H^+]$ ни щисоблашда, одатда уни бир асосли деб =аралаверади, чунки кейинги бос=ичларда ионланиш кичик былганлигидан щисобга олинмайди. Мисол учун H_3PO_4 да водород ионлари концентрацияси $[H^+]=\sqrt{K_{H_3PO_4} \cdot C_{H_3PO_4}}$ деб =араш мумкин. Агар $[H^+]$ фосфат кислотада ани=

$$[H^+] = \sqrt{\left(K_{H_3PO_4} + K_{H_2PO_4^-} + K_{HPO_4^{2-}}\right) \cdot C_{H_3PO_4}}$$

формуласи билан хисобланганда хам содалаштирилган хисоблашдан фар= илмайди.

Фосфат кислотасининг ионланиш константалари =иймати ва уларга мос келувчи pK =ийматлари =уйидагича:

$$K_1 = 7,6 \cdot 10^{-3} \quad pK_1 = -\lg 7,6 \cdot 10^{-3} = 2,12$$

$$K_2 = 6,2 \cdot 10^{-8} \quad pK_2 = -\lg 6,2 \cdot 10^{-8} = 7,21$$

$$K_3 = 4,4 \cdot 10^{-13} \quad pK_3 = -\lg 4,4 \cdot 10^{-13} = 12,36$$

Эквивалент ну=талари =уйидагича

$$\text{топилади: } pH_1 = \frac{pK_1 + pK_2}{2} = \frac{2,12 + 7,21}{2} = 4,66$$

$$pH_2 = \frac{pK_2 + pK_3}{2} = \frac{7,21 + 12,36}{2} = 9,78$$

Учинчи эквивалент ну=тада pH нинг =ийматини кучсиз кислота ва кучли асос учун чи=арилган

$$pH_3 = pK_{H_2O} + \frac{1}{2}pK_3 + \frac{1}{2}\lg C_{\text{муз}} \quad \text{формула билан щисоблаш}$$

мумкин

62

$$pH_3 = 7 + \frac{12,36}{2} + \frac{1}{2}\lg 0,1 = 12,68 \quad \text{Бунда } I \text{ эквивалент ну=та}$$

($pH = 4,6$), метилоранжнинг ($pH = 3,1-4,4$), иккинчиси ($pH =$

9,78) фенолфталеиннинг ранг ызгартириш сощасига ты\ри келади.

Таянч тушунчалар

Титрлаш эгриси. Титрлаш сакрамаси. Эквивалент ну=та. Индикатор танлаш. Индикатор хато.

Саволлар

1. Таркибида а) $2 \cdot 10^{-4}$ г-ион/л H^+ ; б) $0,008$ г-ион/л OH^- былган эритмаларда pH нечага тенг? Жавоб: а) 3,7 б) 11,9
2. pH и 3,61 га тенг былган $0,0035$ н сирка кислотасининг ионланиш константаси нечага тенг? $K = 1,74 \cdot 10^{-5}$
3. Титрлаш эгрилари нима учун керак? Тушунтиринг.
4. Титрлаш сакрамаси нима ва у =андай омилларга бо\ли=?
5. Кучли кислотани кучли асос билан титрлашда эгри чизи=нинг аввал секин, сынгга тезлашиб кетишини тушунтиринг.
6. Икки асосли кислоталарни тирлашда 2 та сакрама чи=иши учун =андай шартлар бажарилиши керак?
7. Кислота-асосли титрлаш методида ишлатиладиган =андай индикаторларни биласиз?
8. Индикаторнинг кырсагичи pT га =андай омиллар таъсир этади?

Аралаш индикаторлар деб =андай моддаларга айтилади? Мисол келтиринг.

63

Асосий адабиётлар

1. Золотов Ю. А., Дорохова Е. Н., Фадеева В. И. и др. В 2 кн. Кн 2. Основы аналитической химии. М.: “Высшая школа” 1999, С.40-46
2. Васильев В. П. Аналитик кимё I-=исм. Тошкент “Ўзбекистон” 1999, С230-236.

3. Пилипенко А. Т., Пятницкий И. В. Аналитическая химия. В 2-х томах. Кн1. М.: "Химия" 1990, С.119-126.
4. Бончев П. Р. Введение в аналитическую химию. Пер. с болг. под ред. Б. И. Лобова. Л.: "Химия" 1978, С.243-252.
5. Скуг Д. Уэст Д. Основы аналитической химии. В 2-х томах. Кн 1. Пер. с англ. под ред. Ю. А. Золотова. М.: "Мир". 1978, С.231-136.
6. Фритц Дж. Шенк Г. Количественный анализ. Пер. с англ. род ред. Ю. А. Золотова. М.: "Мир". 1978, С.143-148.
7. Ушакова Н. Н. Курс аналитической химии. М.: Издательство МГУ 1978, 242-254.

Маъруза №9

5.4. Титрлашнинг индикатор хатолари.

Режа

1. Титрлаш ва=тида индикаторларни танлаш.
2. Анализда индикаторларнинг рангини ызгартириши натижасида хатолар.
3. Индикатор хатоларни шислблаш.
4. Оксидланиш- =айтарилиш методлари.
5. Оксидланиш- =айтарилиш методларининг назарий асослари.

64

Титрлашнинг охирги ну=гасини кырсауувчи рТ =иймати эритманинг эквивалент ну=гасидаги рНга ты\ри келавермайди. Натижада эквивалент ну=тада кислота ёки иш=орнинг ми=дори ортиб =олади.

Эквивалент ну=тада индикаторнинг рТси, эквивалент ну=тадаги рНнинг =ийматидан кичик былса, кислота орти=ча

=ыйилган былиб, индикаторнинг водород хатоси ёки "Н⁺-хато" деб аталади. Аксинча, эквивалент ну=тада рТ катта былса, ОН⁻ ионлари кыпро= =уйилган былади ва у гидроксил хато ёки "ОН- хато" дейилади.

Агар кучсиз кислота ёки асос титрланаётган былса, улар кам

диссоциялангани учун "кислота хатоси" ёки "НАп -хато" ва тегишинча "иш=ор хатоси", "ОН⁻ хато" дейилади.

Хатонинг манфий ёки мусбат былиши ахамиятлидир. Кислотани титрланаётганда "Н⁺-хато" (НАп-хато) =илинса, кислотанинг бир =исми титрланмай =олган былади ва хато манфий (-) белгили былади. Аксинча, кислотани титрланаётган ва=тда ОН-хато (МеОН-хато) олинса, хатонинг белгиси мусбат (+) былади. Чунки бу хатолик эритмага =ышилган орти=ча ОН⁻ ионлари натижасида щосил былади.

Иш=ор ёки кучсиз асосларни титрланганда "Н⁺- хато" (НАп- хато) ёки "ОН-хато" (МеОН-хато) ларнинг белгилари тескари белади.

5.4.1. Титрлашнинг водород хатоси

Индикаторнинг титрлаш кырсааткичини рТ, титрланаётган кучли кислотанинг нормаллигини N, щажми V₁ мл ва титрлаш охиридаги умумий щажмни V₂ мл деб олайлик.

65

N нормаллик эритманинг щар бир миллилитрида N:1000 гр.экв. кислота былади. Демак, титрлаш учун NV₁ 0:1000 грамм-эквивалент ми=дорда кислота былса, эритмада шунча гр.-ион [Н⁺] бор былади. Титрланмай =олган Н⁺ грамм-ионларини щисоблаймиз:

Маълумки, титрлаш индикаторнинг рТсига тенг былган рН да тамом былади. Масалан, метилоранж учун рТ=4, фенолфталеин учун эса, рТ=9.

рН=-lg[Н⁺] былганлигидан кырсаитилган индикаторлар учун

$[H^+] = 10^{-4}$ ва $[H^+] = 10^{-9}$ г.тенг былади.

Кыриниб турибдики, титрланмай =олган $[H^+]$ ионлари $[H^+] = 10^{-pT}$ г-ион/л. Титрлаш охирида эритманинг•щажми V_2 , былгани учун $[H^+] = \frac{10^{-pT} \cdot V_2}{1000}$ былади ва титрлаш учун

олинган кислотанинг неча фоизини ташкил этишини щисоблаш мумкин:

$$[H^+]_{\text{хато}} = \frac{10^{-pT} \cdot V_2}{NV_1} \cdot 100\%$$

5.4.2. Титрлашнинг гидроксил хатоси

Щаммаси былиб, NV_1 г-ион олинган. Титрлаш $pOH = 14 - pT$ да тамом былади.

$[OH^-] = 10^{-(14-pT)}$ ва V_2 мл эритмада

$[OH^-] = \frac{10^{-(14-pT)} \cdot V_2}{1000}$ =олади.

$$[OH^-]_{\text{хато}} = \frac{10^{-(14-pT)} \cdot V_2}{NV_1} \cdot 100\%$$

5.4.3. Титрлашнинг кислота хатоси

66

Титрлаш тамом былганида эритмадаги кучсиз кислотанинг (HAn) титрланмай =олган =исмини щисоблаш учун кислотанинг ионланиш констанасини топамиз.

$$K_{HAn} = \frac{[H^+] \cdot [An^-]}{[HAn]} \quad \text{бундан} \quad \frac{[An^-]}{[HAn]} = \frac{[H^+]}{K_{HAn}}$$

Кислота кучсиз былгани ва туз иштирокида яна щам кам диссоциланишини щисобга олсак, $HAn \approx C_{\text{к-та}}$ деб олиш мумкин 1 гр.моль кислота 1 г.моль туз щосил =илади. Шунинг учун, $[An^-] \approx C_{\text{туз}}$ деб олсак щам былади. Демак, $[HAn]: [An^-]$

нисбатдан титрланмаган =исмнинг титрланган =исмига нисбадан деб =араш мумкин:

$[H^+] = 10^{-pT}$ $K_{HAn} = 10^{-pK}$ десак.

$$HAn_{\text{хато}} = \frac{\text{титрланмаган} \cdot \text{кислота}}{\text{титрланган} \cdot \text{кислота}} = \frac{10^{-pT}}{10^{-pK}}$$

бундан $HAn_{\text{хато}} = 10^{pK-pT}$

Агар, индикатор хатоси 0,1% дан, яъни титрланмаган кислотанинг ми=дори умумий титрланган кислотанинг ми=доридан 0,001 =исмидан ошмасин дейилса, $10^{pK-pT} \leq 10^{-3}$ ёки $pT \geq pK = 3$ былиши керак. Мисол учун CH_3COOH ни ($pK = 7,6$) титрлаш учун М.О ($pT = 4$) метил =изили ($pT = 5,5$) ва лакмусни ($pT = 7$) индикатор сифатида ишлатиб былмайди. Фа=ат фенолфталеин ($pT = 9$) =ылланиши мумкин.

5.4.4. Титрлашнинг иш=ор хатоси

$$\frac{[Me^+][OH^-]}{[MeOH]} = K_{acoc} \quad \frac{[MeOH]}{[Me^+]} = \frac{[OH^-]}{K_{acoc}} \quad \text{Бунда} \quad \text{щам}$$

хатоликнинг 0,1% ошмаслиги учун

67

$MeOH < 10^{-3}$ былиши керак. $pK = pT - 14 \leq -3$ ёки $pT < 11 - pK$ былиши керак.

Масалан, NH_4OH ($pK = 4,76$) ни титрлаш учун $pT \leq 6,24$ былган индикатордан фойдаланиш керак. фенофталеин ($pT = 9$), лакмус ($pT = 7$) ты\ри келмайди. метилоранж ($pT = 4$), метил =изил ($pT = 3,5$) ишлатиш мумкин

VI ОКСИДЛАНИШ ВА +АЙТАРИЛИШ МЕТОДЛАРИДА МУВОЗАНАТ

Оксидланиш ва =айтарилиш методларида ионларнинг электрон олиши ва бериши билан бо\ли= былган реакциялар

ёйланади. Модда электрон берса ёайтарувчи, электрон олса оксидловчи бўлади. Ҳар икки реакция бир вақтнинг ўзида боради.

6.1. Асосий оксидловчилар ва ёайтарувчилар

Стандарт эритмалар сифатида кучли (ёки ўртача) оксидловчилар ёки ёайтарувчиларнинг эритмалари ишлатилади

Оксидловчилар: KMnO_4 , $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$, $\text{Ce}(\text{SO}_4)_2$, $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$, NaBiO_3 , PbO_2 , H_2O_2 (иш=орий мушита), Fe^{3+} , I_2 ва бош=алар.

ёайтарувчилар: SnCl_2 , Cr^{2+} , H_2O_2 (кислотали мушита), Ti^{3+} , $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$, Na_3AsO_3 , $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$, аскорбин кислота ва бош=алар.

Методнинг номи ишлатиладиган ишчи эритманинг номи билан аталади. (масалан, перманганатометрия, хроматометрия, цериметрия, аскорбинометрия, иодометрия ва ш.к.). Бу методда ишлатиладиган реакциялар тез ва стехиометрик равишда бориши керак.

Индикатор сифатида эритманинг оксидлаш потенциалига ёараб рангини ўзгартирадиган органик бўёлар ишлатилади. Реактивнинг орти=ча ми=дори

68

билан индикаторнинг ранги ўзгарса, уларга махсус индикаторлар дейилади.

Оксидланиш ва ёайтарилиш методлари билан: 1) яхши эрийдиган, ёмон эрийдиган, ўчувчан, кучли ва кучсиз ёайтарувчиларни ва оксидловчиларни ани=лаш мумкин.

2) оксидловчи ёки ёайтарувчилар билан ёмон эрийдиган бирикмаларни шосил =илувчи (BaCrO_4 , Ag_2CrO_4) ионларнинг барчасини ани=лаш мумкин.

Тез, стехиометрик равишда реакцияга кирувчи оксидловчилар ва ёайтарувчилар бевосита метод билан, ёмон эрийдиган кучсиз оксидловчилар ва ёайтарувчилар, эса оксидловчилар ёки ёайтарувчилар билан ёмон эрийдиган

бирикмалар шосил =илувчи ионларни ўрин алмашиш методи билан ани=ланади. Билвосита метод билан ани=ланади.

Баъзан элементлар аралаш шолда (Sn^{+4} , Sn^{+2} , Fe^{+3} , Fe^{+2} ...) бўлиши мумкин. Бу шолда ани=ланувчи ионни ёайси шолда ани=ланиши =улай бўлса, шу шолга ўтказиб олинади, яъни дастлабки ишлов берилади. Бунда:

1) мумкин =адар кучли оксидловчилар ёки ёайтарувчилардан фойдаланиш керак;

2) ишлов берувчи реагентнинг орти=ча ми=дори осонлик билан йи=отилиши керак.

Кўпинча моддаларни ёайтариш ўчун металл амалгамаларидан фойдаланилади.

6.2. Оксидланиш=ёайтарилиш методларининг назарий асослари.

Оксидловчи ёки ёайтарувчининг кучи 1) ионларнинг табиатига ва эритмадаги

69

концентрациясига; 2) эритмадаги $[\text{H}^+]$ ионлари концентрацияси, яъни pHга

3) реакциянинг боришидаги шароитга; 4) оксидловчи ёки ёайтарувчининг шосил =илган мащсулотининг концентрациясига бўли= бўлади.

Шунинг ўчун оксидловчи ва ёайтарувчининг ўзи (MnO_4^- , Fe^{+3}) эмас, уларнинг жуфти ($\text{MnO}_4^-|\text{Mn}^{+2}$; $\text{Fe}^{+3}|\text{Fe}^{+2}$) ш=ида фикр юритиш керак. Ҳар бир жуфтнинг оксидланиш=ёайтарилиш потенциал (E) унинг оксидланган ва ёайтарилган шакилларининг концентрациялари билан бўли=лиги Нернст тенгламаси билан ифодаланади;

$$E = E_0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{[\text{ox}]}{[\text{red}]}$$

Бу ерда: E_0 - берилган жуфтнинг

оксидлаш

потенциали R - газ доимийлиги (8,313 Жоул/мол.град.) T - абсолют шарорат, $^{\circ}KF$ - Фарадей сони - 96500 кулон/г.экв. n - олинган ёки берилган электронлар сони. P_a амлар = ийматларини ырнига =ыйиб, натурал логарифмни ынлик логарифмга айлантирсак, $20^{\circ}C$ учун тенглама =уйидагича былади:

$$E = E_0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{[ox]}{[red]}$$


E ни =андай усул билан ызгантириш мумкин?

Бунинг учун оксидланган, =айтарилган шаклларнинг концентрацияларини, эритманинг муштитини ызгантириш керак. Ундан таш=ари комплекс щосил

70

=илиш реакцияларидан ва чыктириш методларидан фойдаланиш мумкин. Оксидловчининг электрон олиб =айтарилиши бос=ич билан бориши мумкин


Мисол:



реакцияда $MnO_4^- \rightarrow Mn^{+2}$ га келяпти.


$$E_0 (MnO_4^-/Mn^{+2}) = 1,51 \text{ В}$$

Биз бу ерда модданинг бошлан\ич (Mn^{+7}) ва реакциянинг охиридаги оксидланиш даражасини оляпмиз. Холбуки, бу реакцияда бир неча орали= потенциаллар былиши мумкин.



Натижада, MnO_4^-/MnO_4^{-2} , MnO_4^-/Mn^{+3} , Mn^{+3}/Mn^{+2} каби орали= потенциаллар щосил былади Шунинг учун потенциал (1) формула учун щисобланганидан кам чи=ади.

Комплекснинг щосил былиши потенциалга =андай таъсир этишини кыриб чи=айлик:



бу ерда X -комплекс щосил =илувчи лиганд. $[Ox]$ ва $[red]$ ни

$$\text{ырнига =ыйсак, } K_1 = \frac{[Ox][X]^p}{[ox(X)]} = \frac{[Ox][X]^p}{C_{Ox}}$$

$$\frac{K_1 C_{Ox}}{[X]^p} = [Ox] K_2 = \frac{[red][X]^p}{[red(X)]} = \frac{[red][X]^p}{C_{red}}$$

$$\frac{K_2 C_{red}}{[X]^p} = [red]$$

71

$[Ox]$ ва $[red]$ ни ырнига =ыйсак:

$$E = E_0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{K_1 C_{ox}}{K_2 C_{red}} = E_0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{K_1}{K_2} + \frac{0,058}{n} \lg \frac{C_{ox}}{C_{red}}$$

комплекс щосил былгач:

$$E = E'_0 + \frac{0,058}{n} \lg \frac{C_{ox}}{C_{red}} \quad (E \text{ ырнига } E_0$$

=ыйилди)

бу шартли (формал) оксидлаш потенциали дейилады.

$E_0 Fe^{+3}/Fe^{+2} = 0,77$ в (формал) потенциали дейилады.

Эритмага Fe -ионлари =ышилса $E_0 Fe^{+3}/Fe^{+2} = 0,40$ в га тенг былиб =олады. Чунки Fe -ионлари Fe^{+3} ни комплексга $[FeF_6^{-3}]$ бо\лайди. Агар эритмага фенантролин =ышилса, у ва=тда Fe^{+2} комплексга бо\ланади ва $E'_0 = 1,12$ в га тенг ва H_3PO_4 =ышилса, $E'_0 = 0,41$ в былиб =олады. Агар эритмага CN^- ионлари =ышсак, бунда янги жуфт $[Fe(CN)_6]^{-3}/[Fe(CN)_6]^{-2}$ щосил былады ва $E = 0,40$ в га тенг былады.

$E (Co^{+3}/Co^{+2}) = 1,84$ в. Эритмага CN^- ионлари =ышилса $E[Co(CN)_6]^{-3}/E[Co(CN)_6]^{-4} = 0,83$ в га тенг былиб =олады Fe^{+3}/Fe^{+2} га =араганда кобальт потенциалининг кескин ызгариши (1,84 в $\rightarrow$ 0,83 в кобальтнинг Fe^{+3}/Fe^{+2} га =араганда кучли электроманфийлигидир.

E маълум былса, реакция кетадими-йы=ми ва ми=дорий жищатдан тыла борадими олдиндан айтиш мумкин былады.

Бунинг учун реакциянинг мувозанат константасини шисоблаш керак.

72

Таянч тушунчалар

Водород хато. Гидроксил хато. Кислота (HAn) хатоси. Асос хатоси (MeOH).

Саволлар

1. +андай хатоликка индикатор хатоси дейилади?
2. Индикатор хатосининг =андай турларини биласиз?
3. Индикаторларнинг водород хатоси ва гидроксил хатолари =айси ва=тда вужудга келади?
4. Титрлашнинг кислота хатосини шисоблашда хатолик 0,1%дан ошмаслиги учун индикатор кырсагич рТ кислота кырсагич рК дан =анча катта былиши керак?
5. Бу шарт титрлашнинг иш=ор хатосида =андай былади?
6. +андай оксидловчиларни ва =айтарувчиларни биласиз?
7. Оксидланиш-=айтарилиш реакцияларида =андай органик моддалар индикатор сифатида ишлатилади? Махсус индикатор деб =андай моддаларга айтилади?
8. Бу методлар ёрдамида =андай моддалрни ани=лаш мумкин?
9. Оксидловчилар ва =айтарувчиларнинг кучи =андай омилларга боли=?
10. Нернст тенгламасини ёзинг. Оксидлаш потенциаллари =андай электрод потенциалига нисбатан солиштирилади?

Асосий адабиётлар

1. Золотов Ю. А., Дорохова Е. Н., Фадеева В. И. и др. В 2 кн. Кн 2. Основы аналитической химии. М.: “Высшая школа” 1999, С.52-53.
2. Васильев В. П. Аналитик кимё I=исм. Тошкент “Ўзбекистон” 1999, С236-255.
3. Пилипенко А. Т., Пятницкий И. В. Аналитическая химия. В 2-х томах. Кн1.

73

М.: “Химия” 1990, С.372-387.

4. Бончев П. Р. Введение в аналитическую химию. Пер. с болг. под ред. Б. И. Лобова. Л.: “Химия” 1978, С.252-258.
5. Скуг Д. Уэст Д. Основы аналитической химии. В 2-х томах. Кн 1. Пер. с англ. под ред. Ю. А. Золотова. М.: “Мир”. 1978, С.210-220.
6. Фритц Дж. Шенк Г. Количественный анализ. Пер. с англ. под ред. Ю. А. Золотова. М.: “Мир”. 1978, С.196-204.
7. Ушакова Н. Н. Курс аналитической химии. М.: Издательство МГУ 1978, 267-270.
8. Дорохова Е. Н., Прохорова Г. В. Задачи и вопросы по аналитической химии. М.: Издательство МГУ 1978, С.133-136.
1. Алексеев В. Н. Ми=дорий анализ. Тошкент “Ўрта ва олий мактаб”. 1963, 304-315.

+ышимча адабиётлар

1. Хусаинов Х. Толипов Ш. Т. Аналитик кимёдан масалалар тыплами Тошкент “ЎИ=итувчи” 1983, С.173-176.
2. Бобоев. Н. Б.. Туробов Н. Т., Ибраимов Ч. И. Титриметрик анализ методлари (методик =ылланма) Тошкент “Университет” 1994, С.21-25.
3. Крешков А. П. Основы аналитической химии. В 3-х томах. Т 2. М. “Химия”. 1977, 153-157.

Маъруза №10

6.3.Оксидланиш-=айтарилиш методларида мувозанат константаси.

Режа

1.Оксидланиш-айтарилиш методлари тезлиги.


74

2..Оксидланиш-айтарилиш методлари тезлигига таъсир этувчи омиллар.

3.Оксидланиш-айтарилиш реакцияси мувозанат константаси.

4. .Оксидланиш-айтарилиш реакциясининг миқдоран охиригача бориш мезони.

Реакциянинг мувозанат константаси ($K_{\text{мув}}$) 0 дан ∞ гача бўлиши мумкин. $K_{\text{мув}}$ бирга яъин бўлса, реакция амалда кетмайди. Унинг эътибори анча катта бўлса, реакция шунча ынғ томонга сурилади.



$$\text{Ox}_2 \quad K_{\text{ox}} = \frac{[\text{red}_1]^b [\text{Ox}_2]^a}{[\text{Ox}_1]^b [\text{red}_2]^a} = K_{\text{мув}} \quad (1)$$

Е ни шу тенгламаларнинг бири билан ифодалаш мумкин. $E = E_{01} + \frac{0,058}{a} \lg \frac{[\text{Ox}_1]}{[\text{red}_1]}$

$$E = E_{02} + \frac{0,058}{b} \lg \frac{[\text{Ox}_2]}{[\text{red}_2]} \quad \text{ёки}$$

Нернст тенгламаси бўйича

$$E_{01} + \frac{0,058}{a} \lg \frac{[\text{Ox}_1]}{[\text{red}_1]} = E_{02} + \frac{0,058}{b} \lg \frac{[\text{Ox}_2]}{[\text{red}_2]} \quad \text{ш}$$

